

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

моддаларининг мембранали гидролизи ва сўрилиши .....	187
<b>Н.Полвонов</b>	
Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида мол-мулкни мусодара қилишга бўлган муносабат .....	189
<b>О.А.Yuldashev</b>	
Сиёсий партиялар ва ҳукумат идоралари .....	192
<b>И. Исмаилов</b>	
Қўқон хонлиги Маллахон Ибн Шералихон даврида (1858-1862) .....	195
<b>Р. Дусчанов</b>	
Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг солиқ сиёсати (1950-1970 йиллар мисолида) .....	198
<b>Р. Джураев</b>	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда чорвачиликнинг аҳволи (от ва йилқичилик мисолида) .....	202
<b>М.Темирова</b>	
Халқ ҳаётида радиодастурлар ролининг ошиб бориши ва уларнинг ғоявий-маънавий функциялари (1927-1991) .....	205
<b>О.Халилов</b>	
Мустақил Ўзбекистон ва Хитой халқ республикаси ўртасидаги муносабатлар тарихий нуқтаи назардан .....	209
<b>Д. Камбарова</b>	
Инглиз тили дарсларида ахборот воситаларидан фойдаланиш .....	212
<b>Қ.Кахаров</b>	
Германияда маданиятлараро нутқий этикет муаммолари .....	214
<b>Ф. Дадабаева</b>	
А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида диалог таржимаси .....	217
<b>Г. Азамжонова</b>	
Шукрулло ижодига Жаҳон ва рус адабиётининг таъсири .....	220
<b>Н.Мерганова</b>	
Талабаларнинг хорижий тилда оғзаки нутқини ўстиришнинг педагогик усуллари .....	224
<b>М.Қаҳҳорова, З.Мухаммаджонова</b>	
Чет тили дарсларида ижтимоий шаклларнинг аҳамияти .....	227
<b>А.Х.Зинатуллина</b>	
Француз тили дарсларида қўшиқлардан фойдаланиш .....	230
<b>Ф.Анварова</b>	
Жаргонларнинг нутқимизда тутган ўрни ва вазифаси .....	233

УДК: 328+347.952

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИДА МОЛ-МУЛКНИ  
МУСОДАРА ҚИЛИШГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ**

**ОТНОШЕНИЕ К КОНФИСКАЦИИ ИМУЩЕСТВА В ПОЛИТИКЕ БОРЬБЫ С  
ПРЕСТУПНОСТЬЮ В НАШЕЙ СТРАНЕ**

**CONFISCATION OF PROPERTY IN THE POLICY OF CRIME FIGHTING IN OUR COUNTRY**

**Н.Полвонов<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup>Н.Полвонов**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси, магистр.

**Аннотация**

Мақолада мол-мулкни мусодара қилиш тушунчаси, жиноят-процессуал қонунчилигида мол-мулкни мусодара қилиш ҳаракатларининг ҳуқуқий асослари, аҳамияти ҳамда бу борадаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

**Аннотация**

В статье рассматривается понятие о конфискации имущества, правовые основы и значение акта конфискации имущества в уголовно-процессуальном законодательстве, а также вопросы совершенствования действующего законодательства в этой области.

**Annotation**

This article deals with the concept of confiscation of property, the legal basis and significance of the act of confiscation of property in criminal procedure legislation, as well as issues of improving the existing legislation in this sphere.

**Таянч сўз ва иборалар:** мол-мулкни хатлаш, мол-мулкни хатлаш асослари бўйича тўпланган маълумот ва далиллар, жиноят қуроли.

**Ключевые слова и выражения:** конфискация имущества, сведения и доказательства, собранные по основаниям конфискации имущества, орудие преступления.

**Keys words and expressions:** confiscation of property, information and evidence collected on the grounds of confiscation of property, weapons of crime.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сонли Қарорида Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш соҳасида тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни қайта кўриб чиқиш масаласига алоҳида тўхтаб ўтилганлиги мусодара институтининг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш борасида жиноят-процессуал сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги жиноят-процессуал сиёсатнинг мазмунини икки расмий ҳужжатдан англаш мумкин. Булар: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1] ва Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясидир[2].

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналиши бўлмиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида устувор вазифалар сирасида жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида мулкдан фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш (вақтинчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара қилишни тақиқлаш қўйилган эди. Худди шу концепциянинг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи йўналишида ҳам мулкдан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли сифатида фойдаланишда мулкдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни мусодара қилиш ёки олиб қўйишни (вақтинчалик олиб қўйиш бундан мустасно) тақиқлаш белгиланди. Эътибор берадиган бўлсак, айби бўлмаган шахсларнинг мулкни мусодара қилмаслик бир ҳужжатда икки мартаба таъкидланди ва икки соҳасининг бош

масалаларида бири сифатида намоён бўлди. Ушбу дастурий қоидаларни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни[3] билан ЖПК 211-модда 1-бандига ўзгартиш киритилиб, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуролларигина мусодара қилиниши белгиланди[4].

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида мусодара атамаси қўлланилмаган бўлса-да, унинг процессуал жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтилган. Хусусан, Концепциянинг жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларда тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида мол-мулкка тақиқ қўйишнинг барча кўринишлари (мол-мулкни эгасининг фойдаланишида қолдириб, тассаруф қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; олиб қўйиш; олиб бошқа шахсларнинг қарамоғига топшириш, ҳисоб рақамдаги ва қимматли қоғозлар кўринишидаги маблағлар муомаласини тўхтатиб қўйиш ва бошқалар) “мол-мулкни хатлаш”, деб аталади. Мол-мулкни хатлашда қайси усулнинг қўлланилиши, қанча муддатда амалга оширилиши мол-мулкка тақиқ қўйишга асос бўлган ҳолатларга, мол-мулкнинг турига, жиноят ишининг мураккаблигига ва тақиқ қўювчи мансабдор шахснинг хоҳиш-иродасига ҳам боғлиқ. Мол-мулкка тақиқ қўйиш ҳар бир вазиятда индивидуал тарзда ёндашиш лозимлигининг қонунда белгиланмаганлиги хусусий мулк дахлсизлигини бузадиган, жумладан, жиноят ишлари тўхтатилган ҳолларда мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фуқароларнинг хатланиши мумкин бўлган мулкларини аниқлаш ҳамда уларнинг тақдирини ҳал қилишда расмиятчилик учун муносабатда бўлишларига ва бюрократик тўсиқларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этувчи омиллар куйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, мол-мулкка тақиқ қўйилаётганда унинг кейинги тақдири, яъни унинг келажакда мусодара бўлиш эҳтимоли ёки бундай эҳтимолнинг мавжуд эмаслигига етарлича

аҳамият берилмаётганлиги. Мулк дахлсизлиги қоидаларини таъминлаш мақсадида, судга қадар иш юритиш босқичида жиноят ишининг кейинги босқичидаги мусодара бўлмайдиган жиноят қуроли ва нарсаси ҳисобланмайдиган ашёвий далиллар исбот қилишда далил сифатида мустаҳкамланганидан кейин оқилона муддатларда эгаларига (мулкдорларига) қайтарилиши лозим. Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари, хусусан, ижро тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ мусодарага қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк объектларидан далил сифатида фойдаланиш зарурати бўлмаган вазиятларда уларни хатлаш мумкин эмас. Ҳуқуқ назариясида мавжуд ушбу қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида бевосита назарда тутилмаганлиги баъзан амалиётда хусусий мулк дахлсизлигини бузиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида келажакда мусодара этилиши мумкин бўлмаган мол-мулкларни хатлашга йўл қўйилмаслиги ҳамда мулкдорига, эгасига ва фойдаланувчисига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк объектлари жиноят ишида фойдаланилганидан сўнг оқилона муддатларда, жиноят иши тўхтатилган ва тугатилган тақдирда зудлик билан қайтарилиши лозимлиги хусусида қоида киритилиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, мол-мулкни хатлашнинг усулини танлаш, мулк ҳуқуқи билан қандай ҳуқуқларнинг чеклаш масаласини ҳал қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг хоҳиш-иродасига боғлиқлиги уларнинг касбий манфаат нуқтаи назаридан оғирроқ усулни қўллашга, имкони борича мол-мулкни олиб қўйиш, ундан фойдаланишни батамом чеклаб қўйиш тарзидаги хатловни қўллашларига имкон бермоқда. Бундай номақбул амалиётга барҳам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида *мол-мулк хатлашда унинг бутлигини (яроқлигини) ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш орқали таъминлаш эришиб бўлмаслигига мазкур чора қўлланилиши* хусусида қоида киритилиши лозим.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқариб ташланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасидаги жиноят ишини юритиш тамом бўлганлиги муносабати билан ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлардан бири сифатида гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши кераклиги хусусидаги қоида фуқаролар назарида мол-мулкни давлат томонидан мусодара

қилинишининг жавобгарлик чораси сифатида мавжудлигини англатади. Амалиётда гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳжумга тегишли мулкда бошқаларнинг улуши мавжудлиги масаласи етарлича ўрганилмади, фақат мулк ҳуқуқини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар асосида ҳал қилинади. Бу ҳолат кўпроқ кўчмас мулклар, автотранспорт воситалари, техник ускуналардан жиноятни содир этишда фойдаланилган бўлса, уларни давлат фойдасига ўтказишни таъминлайди. Бироқ, ушбу мол-мулк объектларини хатлаш, сақлаш, сотиш ёки бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш, кейинчалик суд ҳукмлари ўзгарган, бекор бўлган тақдирда қонуний эгаларига қайтариш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни вужудга келтиради. Буни охириги икки йилдаги суд-тергов амалиёти кўрсатмоқда.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан агар улар жиноий йўл билан топилган мол-мулк (даромад) бўлмаса, жиноят қуролини (211-модда) ва жиноят нарсасини (284-модда) мусодара қилишни назарда тутувчи қоидаларни чиқариб ташлаш керак. Фақат эркин фуқаролик муомаласида бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулкни йўқ қилиш ёки тегишли муассасага топшириш мақсадида мусодара қилиниши керак.

**Тўртинчидан,** жиноят-процессуал қонунчилигида тақиқ қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдири жиноят ишини юритиш тамом бўлгандан кейин ҳал қилиниши белгиланган. Бироқ, жиноят ишларини юритишнинг миллий шаклида жиноят ишини юритишни тўхтатиш ҳаракати мавжудки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 64-

моддасида [5] назарда тутилган қоидалар асосида, амалиётда кўп ҳоллар узоқ муддатда, ҳаттоки айрим вазиятларда чекланмаган муддатда иш юритишга танаффус эълон қилинади. Мол-мулкка тақиқ қўйилишига ёки гаровга қўйилишига ёхуд олиб қўйилишига сабаб бўлган жиноят иши тўхтатилганда, тўхтатилган даврида мулкдор, мулк эгаси ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланганлигича қолади. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг мулклари узоқ муддатда хатланганда, уларнинг мулкдан фойдалинишдан ташқари, уларни ихтиёрий тугатиш ва қайта ташкил этиш вақтида уларнинг мол-мулкдан воз кечишга ундайдиган муаммолар келиб чиқади. Энг ачинарлиси, хатлаб қўйилган мулкнинг сақлаш харажатлари ундан фойдалана олмайдиган мулкдор ҳисобидан амалга оширилади.

Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 132-моддасида мавжуд. Россия Федерацияси Конституциявий судининг фуқаро Л.И. Костареванинг шикоятти асосида 2013 йил 7 февралдаги ажрими[6]га кўра, гумон қилинувчининг яшириниши асосида тўхтатилган жиноят ишлари бўйича бошқа шахсларга тегишли мулкларни хатлашни назарда тутувчи қоида (РФ ЖПК 115-моддаси) Конституцияга хилоф, деб топилган.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси *Жиноят–процессуал кодексига жиноят ишлари тўхтатилганда, бошқа шахсларга тегишли мол-мулкнинг хатланганлиги ва гаровга қўйилганлиги бекор қилиниши лозимлиги* хусусида қоида киритилиши лозим.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган.
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон; 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 08.01.2020 й., 03/20/601/0025-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <http://www.lex.uz>.
6. <http://pravo.gov.ru/proxy/ips>

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)